

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА НАФОСАТ ЁРИЕВНА

**СЎНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА ИЖОДКОР
УСЛУБИ ВА ИНДИВИДУАЛЛИГИ (ИКРОМ ОТАМУРОД ВА
УСМОН ҚЎЧҚОР ДОСТОНЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ўроқова Нафосат Ёриевна

Сўнгги давр ўзбек дostonчилигида иждокор услуби ва индивидуаллиги
(Икром Отамурод ва Усмон Кўчкор дostonлари асосида) 5

Уракова Нафосат Яриевна

Стиль и индивидуализация создателя узбекских поэм последнего времени
(на примере поэм И.Атамуро́да и У.Кучкара)..... 25

Urokovna Nafosat Yoriyevna

Creative style and individuality in the Uzbek epoch of recent times
(based on the epic poems by Ikram Atamurod and Usman Kuchkar)..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРОҚОВА НАФОСАТ ЁРИЕВНА

**СЎНГГИ ДАВР ЎЗБЕК ДОСТОНЧИЛИГИДА ИЖОДКОР
УСЛУБИ ВА ИНДИВИДУАЛЛИГИ (ИКРОМ ОТАМУРОД ВА
УСМОН ҚЎЧҚОР ДОСТОНЛАРИ АСОСИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Fil807 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қувватова Дилрабо Ҳабибовна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Йўлдошев Бойназар
филология фанлари доктори, профессор

Ҳасанов Шавкат Аҳадович
филология фанлари доктори

Етакчи илмий ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида поэма жанридаги изланишлар, унда ижодкор услуби, индивидуаллигини ўрганиш, бадиий тил ва поэтик синтаксиснинг поэтик мазмун ҳамда шаклни ифодалашдаги ўрнини кўрсатиш, бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Натижада поэмачиликдаги янги услубий йўналишлар, шоирнинг бадиий тафаккур тарзи ва лирик қаҳрамон табиати ҳақида қатор илмий тадқиқотлар юзага келишига имкон яратилди. Айтилишича, поэма услуби, жанрнинг ички кўринишлари, рамзий фикрлаш тарзи ва ижодий индивидуаллик каби илмий муаммоларни яхлит ҳолда текшириш, муайян ижодкор асарларини бадиият қонуниятлари асосида ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Дунё адабиётшунослигида поэма назарияси, поэтикаси, услубшунослик муаммолари, унда ижодкор услуби ва индивидуаллиги, бадиий тил, поэтик синтаксиснинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Бинобарин, ижодий индивидуаллик ва замонавий дoston услуби, модерн изланишлар борасида чуқурроқ тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Шу маънода дoston жанри намуналари мисолида ижодкор услуби ва унинг поэтик ўзига хослиги сингари муаммоларини илмий тадқиқ этиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср охири XXI аср бошларида юз берган ва юз бераётган ижтимоий-сиёсий, тарихий ўзгаришлар натижасида дунё ва инсон муносабатларини чуқурроқ идрок этиш, халқимизнинг миллий поэтик тафаккури, бетакрор анъана ва қарашлари мужассам этилган сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида кечган трансформациялар, янгиланишларни ёритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда ўзбек адабиёти олдида қўйилаётган вазифаларни бажаришга тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, замонавий дoston бадииятини чуқур ўрганиш билан боғлиқ мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, адабиётшуносликда поэтик тил ва услуб, ижодкорнинг бадиий тафаккур тарзи, индивидуаллиги ва рамзий талқин муаммолари ҳақида бир нечта илмий тадқиқотларнинг яратилганлиги аҳамиятлидир. Зеро, "... бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон "Адабиёт яшаса, миллат яшар!" деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди"¹. Сўнгги давр ўзбек адабиётида, айниқса, дostonчилигида инсон онги ва тафаккур

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги. www.xabar.uz.

тарзида юз бераётган барча ўзгаришлар ўз ифодасини топмокда, давр дostonлари кенг миқёс касб этмокда, уларда мумтоз ва жаҳон адабиёти тажрибасига мувофиқ келувчи тасаввуфий-фалсафий ҳамда модернистик оҳанглар кузатилмокда, поэманинг ифода усуллари янгиланмокда. Ҳозирги ўзбек дostonчилигида кечган шаклий-услубий изланишлар, поэтик услуб ва ижодкор индивидуаллиги масалаларини тадқиқ этиш диссертация асосига кўйилган муаммонинг долзарб ва зарурийлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-28-29-сон “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хийбонини барпо этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сон Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги” 2019 йил 4 октябрдаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилаётган илмий муаммо бўйича тадқиқотлар уч йўналишда амалга оширилган:

1. Замонавий ўзбек дostonчилигига хос хусусиятлар, янгилашиш ва ўзгаришлар О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Раҳимжонов, И.Тўлаков, Ш.Ҳасанов, А.Сабирдинов, Д.Қувватова² каби

²Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 243 б.; Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 238 б.; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008. – 532 б.; Норматов У. Дoston ва замон // Шарқ юлдузи, 1987. – №10. – Б. 173-180; Раҳимжонов Н. Ўзбек совет поэмасининг тараққиёт жараёни. Китобда: Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 171-292; Раҳимджанов Н.К. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70-80-е годы). АДД. – Тошкент, 1989. – 42 с.; Раҳимжонов Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг тараққиёт тенденциялари: Филол. фанл. док. дисс. – Тошкент: 1989. – 284 б.; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.; Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 328 б.; Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси, 2001. – 142 б. Ҳасанов Ш. Давр ва дoston // Шарқ юлдузи, 2002. – № 4. – Б. 148-150; Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: Филол. фанл. док. дисс. – Тошкент, 2004. – 284 б.; Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанл. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б.; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари: ДД. – Тошкент, 2016. – 267 б.

олимларнинг ишларида ўрганилган. Уларда муайян давр дostonчилиги поэтикаси, тараққиёт хусусиятлари ёритилган.

2. Ижодкор услуби ва индивидуаллиги масаласи. Жаҳон адабиётшунослигида Н.Тамарченко, В.Тюпа, С.Бройтман, В.Шкловский, В.Жирмунский, Ю.Лотман, В.Хализев³ сингари олимларнинг тадқиқотларида, ўзбек адабиётшунослигида Ж.Камол, Ў.Носиров, А.Расулов, Г.Имомова, И.Қурбонбоев, М.Йўлдошева, Ш.Давронова, М.Пирназарова, А.Ҳайитов, Н.Джуманиязова, Д.Тажибаевларнинг диссертация, китоб ва мақолаларида маълум бир давр адабиётидаги услубий изланишлар ва муайян ижодкор услубига хос хусусиятлар очиб берилган⁴.

3. И.Отамурод ва У.Қўчқор ижодига бағишланган тадқиқотлар. Сўнгги йиллар ўзбек дostonчилиги такомил билан боғлиқ тадқиқотларда маълум бир илмий муаммо доирасида муносабат билдирилган. Шу даврда самарали ижод қилган И.Отамурод ва У.Қўчқор ижоди билан боғлиқ кузатишларда дostonчиликдаги изланишларига ҳам дахл қилинган. Н.Раҳимжонов И.Отамурод шеърятини таҳлилига бағишланган “Кўнгилга очилган йўл” мақоласида шоирнинг шаклий-услубий изланишларини таҳлил этади⁵. Адабиётшунос Н.Жабборов шоирнинг “Ўрин” ва “Доғ” дostonлари ҳақидаги “Сирли кечинмалар талқини”, “Кўнгил – олам меҳвари”⁶ номли мақолаларида шоир индивидуаллиги, услубига хос айрим жиҳатларни ёритган. Шу билан бирга, Д.Тўраев, Б.Йўлдошев, А.Улуғов, У.Жўрақулов, И.Ёқубовларнинг⁷ илмий изланиш ва мақолаларида Икром Отамуроднинг сўнгги йилларда яратилган “Ўрин”, “Доғ”, “Ишора” дostonлари; И.Ҳаққул, Т.Қаҳҳор, Л.Шариповларнинг⁸ изланишларида Усмон Қўчқорнинг “Широқ” ҳамда “Қувғин” дostonи борасида муҳим илмий кузатишлар мавжуд.

³Тамарченко Н., Тюпа В., Бройтман С. Теория литературы в 2-х томах. Том 1. – Москва: Академия, 2004. – С. 444-456. Шкловский В. Избранные работы в 3-х томах. – Москва: Художественная литература, 1986. Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л., Наука, 1977. Лотман Ю. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Москва: Сов. писатель, 1972. Хализев В. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2006.

⁴Жамол Камол. Лирика. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 237-238. Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – 200 б. Носиров Ў. Образларда услуб жиҳолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 196 б. Расулов А. Услуб – истеъдод портрети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 244 б. Имомова Г. Рухий изтироблар. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 94 б. Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 114 б. Давронова Ш. Адабий жараён ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги: Филол. фанл. номз. дис. – Тошкент, 2004. – Б. 162. Йўлдошева М.К. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2004. – 155 б. Қурбонбоев И. 90-йиллар шеърятини образлилик: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2015. – 132 б. Пирназарова М.М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 161. Ҳайитов А.Х. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 126. Джуманиязова Н.А. Истиклол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 145. Тажибаева Д.Э. XX аср сўнгги чораги ўзбек шеърятини поэтик услуб муаммолари: Филол. фанл. бўйича фалс. док. (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – 140 б.

⁵Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 165-171.

⁶Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2015. – Б. 186-199.

⁷Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 41-61. Йўлдошев Б. Қашқадарё бадиияти. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 56-68. Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 73-100. Жўрақулов У. Хузн саодати // Шарқ юлузи. – 2016. – №7. – Б. 36-37. Исломов Ё. “Кангул” қушининг хол изхори. Kh-davron. uz.

⁸Ҳаққул И. Шоир нафаси – ўчмас нафас. Kh-davron. uz. Қаҳҳор Т. Усмон Қўчқор // Ёшлик, 2018. – №3. – Б. 32. Шарипова Л. Самимиятга йўғрилган шеърят // Ёшлик, 2013. – №11. – Б. 24-26.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари зикр этилган ва бошқа бир қатор ўзбек, рус адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Мазкур тадқиқотда сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида муносиб ўрни бўлган Икром Отамурод, Усмон Қўчқор каби шоирлар услубига хос хусусиятлар ва ижодий индивидуаллик масаласи махсус тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасининг “Ёзувчи индивидуал услуби, маҳорати хусусиятларини очиш ва умумлаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Икром Отамурод ва Усмон Қўчқор дostonлари мисолида сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида ижодкор услуби ва индивидуаллигини илмий баҳолаш ва аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигидаги шаклий-услубий изланишларнинг поэтик қонуниятларини, хусусиятларини ва турларини аниқлаш;

ижодкор дунёқараши ва эстетик нуқтаи назарининг жанр тақомилидаги аҳамиятини далиллаш ва лирик қаҳрамон сифатидаги ўрнини очиб бериш;

лирик кечинма ва сюжет асосига қурилган дostonлардаги ўзига хосликларни аниқлаб бериш;

давр дostonларида фожиавий руҳ ва рамзий талқин асосларини ёритиш;

дostonларнинг бадиий тил хусусиятлари ҳамда поэтик синтаксисида ижодкор индивидуаллигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида шоир Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Тағазул”, “Ичкари... Ташқари...”, “Харитага тушмаган жой”, “Сопол синиқлари”, “Руҳдан сизган нур”, “Ўрин”, “Жадвал”, “Хувийят”, “Қуш” ва Усмон Қўчқорнинг “Қувғин”, “Широқ”, “Турон Ботир”, “Чамангул” каби дostonлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини Икром Отамурод ва Усмон Қўчқорнинг сўнгги йилларда ёзилган дostonларидаги индивидуал услуб ва бадиий маҳорат таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, лингвистик, биографик ва аналитик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида кечган романлашув, халқ дostonлари услубини қўллаш, синкретлашув сингари шаклий-услубий изланишлар орқали Икром Отамурод ва Усмон Қўчқор услуби ҳамда индивидуаллиги ёритилган;

поэтик тасвирдаги халқ дostonлари мотивлари, эртак стилизацияси ва модерн услубни қўллаш билан боғлиқ поэтик янгиланишлар орқали дostonлардаги маънавий, ижтимоий фожиавийлик кўринишлари асосланган;

сўнгги давр ўзбек дostonларида лирик кечинма табиати ижодкорларнинг рамзий-тимсолли фикрлаш тарзи ва туйғуларни образлантиришида намоён бўлганлиги очиб берилган;

замонавий ўзбек дostonларининг бадиий тилини ифода этувчи ташбех, ташхис, тазод, мукаррар ва поэтик синтаксисига хос сукут, эллипсис, фонетик такрор кўринишлари Икром Отамурод ва Усмон Кўчқор дostonларида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кейинги йиллар ўзбек дostonчилигининг ғоявий ранг-баранглиги, мавзувий кўламдорлиги, бадиияти, услубий ўзига хослиги очиб берилган;

Икром Отамурод ва Усмон Кўчқор услубининг индивидуал хусусиятлари, анъанавийлик ва новаторлик жиҳатлари ёритилган;

кейинги йилларда яратилаётган дostonларнинг назарий асослари, бадиий воқелик инъикосидаги ўзига хослик масалалари умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган масаланинг аниқлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий таҳлил усули билан асослангани, дoston жанрини ёритишда ишончли назарий манбалардан фойдаланилган ҳолда талқин ва таҳлил этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дoston жанри анъаналари, ундаги етакчи тамойилларнинг қўлланиш доираси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, сўнгги давр дostonлари, инсон бадиий тафаккуридаги ўзгаришларни ўрганиш билан алоқадор тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, ўзбек филологияси факультетларида “Адабиётшунослик назарияси”, “XX аср ўзбек адабиёти”, “Истиклол даври ўзбек адабиёти” “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан маъруза, махсус курс ва семинарлар ўтишда, шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари, ўрта таълим мактабларида адабиёт дарсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда шеърятдаги бадиий услуб бўйича олинган натижалар асосида:

сўнгги йиллар ўзбек дostonлари асосида ижодкор услуби ва индивидуаллигининг бадиий нутқда акс этиши, ижодкор нутқи, лисоний менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, лисоний фарқли бирликларнинг услубий, мазмуний, структур ҳамда вазифавий ўзига хосликлари, шунингдек, бадиий тил ва поэтик синтаксис каби масалалар тадқиқида ИТД-1-57 “Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш” (2012-2014) давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 сентябрдаги 89-03-3294 сонли маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатилган лойиҳа тадқиқот материаллари асосида бойитилган ва “бадиий тил”, “поэтик синтаксис” терминлари изоҳи

такомиллаштирилган, бадий нутқнинг социолингвистик, психолингвистик хусусиятларини ўрганишда хизмат қилган;

истиқлол даври ўзбек дostonчилигида юз берган поэтик мазмун, шакл, образ янгиланишига хос хусусиятларни, бадий қонуниятларни, анъана ва новаторлик масалаларини ёритишда Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 сентябрдаги 89-03-3294 сонли маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатилган фундаментал лойиҳа диссертация материаллари орқали бойитилган ва “бадий асар услуби”, “ижодий индивидуаллик”, “синкретлашув”, “бадий синтез”, “романлашув” каби илмий истилоҳлар изоҳлари мукамаллаштирилган, мустақиллик даври шеърлятида шоир услуби ва индивидуаллиги муаммосини китобхонга аңглатиш, бунда масаланинг ижтимоий-психологик, бадий-эстетик жиҳатларига урғу бериш, ижодкор руҳий оламини тадқиқ қилиш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

тадқиқот материалларидан Бухоро Вилоят Телерадиокомпаниясида “Адабий муҳит”, “Асрларнинг асраганлари” кўрсатувларининг 2019 йил апрель ва июнь сонидаги сценарийсини тайёрлашда унумли фойдаланилган ҳолда мустақил тадқиқотчи билан бевосита суҳбат олиб борилган. Кўрсатувда замонавий адабиётшунослик муаммолари ва уларнинг ечими мақсадида келтирилган ушбу фикр ва қарашлардан фойдаланилган (Бухоро Вилоят Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 5 сентябрдаги №1/317-1 сонли маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар орқали мухлисларнинг сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида фаолият кўрсатган шоирлар ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга, адабиёт фонди заҳирасини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий журналда 2 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 146 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сўнгги йиллар ўзбек дostonчилигида шаклий-услубий изланишлар”** деб номланган бўлиб, уч фаслдан иборат. *“Сўнгги йиллар ўзбек дostonларининг етакчи эстетик тамойиллари”* сарлавҳали биринчи фаслда услуб ва ижодий индивидуаллик масаласи, ўзбек дostonчилигида юз берган шаклий-услубий изланишлар ўрганилган.

Бадиий услуб муаллифнинг ижод дунёсида “туғилиб, камолга етади”. У бадиий образ тарзида ўзини намоён этиб, китобхон қалбига кириб боради. Китобхон шу тарзда янги бир ижодкорни танийди, кашф этади. “Ҳақиқий услуб доим ички, – деб ёзади О.Бургардт, – лекин шу ерда биз идрок этиш услуби ва ифода қилиш услубини фарқлашимиз лозим. Идрок этиш услуби мазкур материални муаллифнинг қандай топиб олиши, қайта ишлаши ва бойитишида, ифода қилиш услуби муаллифнинг ўз ички дунёсини образлар ва шакллар либосига қандай ўрай олишида намоён бўлади”⁹. Адабиётшунос Ў.Носировнинг фикрича: “Ижодий индивидуаллик ёзувчи шахсиятининг сифат жиҳатидан шаклланиши, ўзидан “ўзлиги”ни, ижодий шахсиятини топиб, ижодий мустақиллик, қобилиятининг бадиий кашфиёт яратиш босқичига, яъни бадиий-эстетик фаолиятининг индивидуаллик фазасига кириши”дир¹⁰. Бинобарин, ижодкорда индивидуал хусусиятлар шаклланиб, бир ўзанга тушиши натижасида услуб юзага келади. Икром Отамуроднинг ижодий индивидуаллиги дostonларида рамзий-тимсолий фикрлаш тарзининг етакчилиги қилиши, лирик кечинма суратларининг чизилиши, янги шакл излаш ва уларга поэтик мазмунни юклаш, мумтоз сўзларни қўллаш кабиларда кузатилади. Усмон Қўчқор ижодига хос индивидуаллик лиро-эпик тасвир устуворлиги, халқ оғзаки ижоди мотивларидан фойдаланиш, сиқиклик ва ихчамликка интилиш, лирик қаҳрамон сифатида воқеликка фаол аралашув сингариларда кўзга ташланади.

Зеро, сўнгги йиллар ўзбек дostonлари тараққиёти билан боғлиқ муҳим хусусиятлар куйидагиларда намоён бўлганлиги илмий асосланган:

1. Услубнинг янгилана бориши: халқона қиссагўйлик, халқ дostonлари услубига хос назм ва насрдан фойдаланиш. 2. Диний сарчашмаларга чуқур кириб бориш, дostonчиликка тасаввуфий оҳангларнинг кириб келиши. 3. Жанрлар синкретлашуви жараёнининг тезлашганлиги, дostonда драма ва романга яқинлашувнинг кузатилиши. 4. Миллат ва Ватан тарихида муносиб ном қолдирган шахслар образларини бадиий гавдалантириш. 5. Модерн услуби. Айтиш мумкинки, шу хусусиятлар асосида адабиётимизда анъанавий ва ноанъанавий услубдаги дostonларнинг яхлит бир тизими яратилди. Сўнгги йиллар ўзбек дostonлари назардан ўтказилса, И.Отамурод ва У.Қўчқор дostonлари тузилиши, поэтикасида ижодий индивидуаллик намоён бўлганлиги

⁹Бургардт О. Новые горизонты в области исследования поэтического стиля. – Киев: Изд-во Самоненко, 1915. – С. 9.

¹⁰Носиров Ў. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 15.

кузатилади. И.Отамурод услуби замонавий ўзбек лирик дostonлари тасвир услубига мувофиқ ҳолда намоён бўлган. Лирик кечинма тасвирига қурилган монолог характеридаги Миртемирнинг “Сурат”, Э.Воҳидовнинг “Нидо” дostonларидан бошланган ижодий изланишлар И.Отамурод ижодида бадиий такомилга эришди. Айтиш мумкинки, шоир лирик дostonда ўз маҳоратини кўрсата олди. Бу асарларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар қатидан безовта қалб ҳайқириғи эшитилиб туради, кўнгил изтироблари тасвири кенг ўрин эгаллайди. Адабиётшунос У.Ҳамдам тўғри таъкидлаганидай, бу даврда “воқеабандликдан, тасвирдан, баёндан деярли воз кечиш ва бунинг ўрнига метафора ва деталларга урғу бериш”¹¹ хусусияти кўзга ташланади. И.Отамурод дostonларида айнан шу жиҳат ёрқин кузатилади. У.Кўчқор услуби эса замонавий лиро-эпик дoston анъаналарига уйғун ҳолда шаклланган. Шоир ижодида Ҳ.Олимжон, Ойбек, Зулфия, А.Мухтор, Э.Воҳидов, А.Орипов сингариларнинг замонавий дostonчиликдаги анъаналари бўй кўрсатиб туради.

Шу асосда шоирлар Икром Отамурод ва Усмон Кўчқор дostonларидаги анъанавийлик хусусияти, услубий янгиланишлар ёритилган. Бунда сўнгги даврда яратилган дostonлар структурасига кўра: лирик кечинма асосига қурилган дostonлар ва сюжет асосига қурилган дostonлар тарзида тасниф этилган. Ҳар икки кўринишдаги дostonларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Лирик кечинма асосига қурилган дostonларда лирик тасвирнинг қабариклиги, ҳис-кечинмага бойлиги, композициясида лирика элементларининг қуюқлиги (лирик кириш, лирик чекиниш, лирик хотима) И.Отамурод дostonлари мисолида далилланган.

Сюжет асосига қурилган дostonларнинг уч муҳим хусусияти асосланган:

1. Мавзу қамровининг кенглиги жиҳатидан эпик асарларга яқинлик, яъни романлашув (У.Кўчқорнинг “Широқ” ва “Қувғин” дostonлари). Маълумки, рус адабиётида поэма жанридаги асарлар ҳамма даврда етакчи бўлиб келган. А.С.Пушкин, Ю.Лермонтовдан Е.Евтушенкогача бўлган шоирларнинг кўплаб шу жанрдаги асарларида мавзунинг долзарблиги, қамров доираси, йирик инсоний тақдирларнинг тасвир этилиши, сюжети жиҳатидан романга яқинлашганлиги адабиётшунослар Н.Тамарченко ва С.Бройтман томонидан эътироф этилган. Айтиш мумкинки, бу ҳодиса жанрда кечаётган трансформацион жараёнлар билан боғлиқдир. Сўнгги йиллар ўзбек дostonлари бадиий структурасида ҳам шу жиҳатлар ёрқин кузатилади, уларда романга, эпик турдаги асарларга хос кизиқарли сюжет, қаҳрамонлар силсиласи намоён бўлган. “Широқ” дostonида шоир халқ ривоятини асос қилиб олган бўлса-да, асар қаҳрамонлик қиссаларига моҳиятан яқинлашади. Бу дoston шу мавзуда яратилган бошқа асарлардан чуқур лиризми билан ажралиб туради.

2. Эртак стилизацияси асосида ёзилган дostonлар (У. Кўчқорнинг “Чамангул”, “Турон Ботир” асарлари). Бу дostonларда шоир халқнинг ўз даврида ошқор айтиш қийин бўлган дардларини, орзу-интилишларини эртак услубига солиб ифода этган. “Чамангул” дostonида аҳиллик, иноқлик, юртни

¹¹Ҳамдам У. Янги ўзбек шеърини. – Тошкент: Адиб, 2012. – Б. 301- 302.

химоя қилиш ғоялари етакчилик қилса, “Турон Ботир”да “Широқ” достони руҳи сезилади. Турон Ботир асарда чин ватанпарвар сиймосида гавдаланади. 7-8 бўғинли қисқа сатрлардан иборат бу асарлар У.Қўчқор услубий индивидуаллигини билдириб туради.

3. Лирик дostonларда сюжет белгиларининг намоён бўлиши (И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Доғ”, “Ўрин” дostonлари). Дostonларнинг яна бир шундай кўриниши шаклландики, уларда лирик қахрамон туйғу-кечинмалари тасвирига кенг ўрин берилиши баробарида маълум бир ҳаётий воқеа қолипловчилик вазифасини бажаради. Бу эса лирик дostonлардаги эпиклик хусусиятини намоён этади ва лиризмни эпиклик билан уйғунлаштиришга хизмат қилади. И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonидаги қолипловчи кичик, бироқ салмоқли мазмун берувчи, асардаги хулосани баён этувчи ёбондаги ёлғиз дарахтнинг ўткинчи йўловчи томонидан эрмак учун ёқиб юборилиши воқеаси шулар жумласидандир.

Бобнинг иккинчи фасли “*Лирик кечинма асосига қурилган дostonларда ўзига хослик*” тарзида номланган бўлиб, унда бу типдаги дostonлар яна икки кўринишда тараққий этганлиги таъкидланган: лирик-фалсафий ва лирик-тасаввуфий дostonлар. Лирик-фалсафий дostonлар сифатида Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Харитага тушмаган жой” асарлари таҳлилга тортилган. Бинобарин, харитага тушмаган жой – инсоннинг кўнгли. Асар номининг ўзиёқ рамзий-фалсафий маъно касб этган. “Дунё харитасини тузғувчи доно” харитада тоғларни қорамтир*(*Харитада тоғлар қорамтир эмас, балки жигар рангда берилади), уммонларни кўкиш, ўрмонларни яшил тус, саҳроларни сариқ, қайсидир юртнинг келбатини бўлимли, қайсисини ингичка йўл каби ориқ қилиб тасвирлаган. Унда ишора, белги, ниятлар рангларда жамланган. Демак, харита “ранглардан иборат олам”, рангларда яшовчи моҳият тарзида гавдаланади:

Харитани тузғувчи доно,
сендан кичик битта илтимос,
рангларингга бир ранг қўшгину яна
эллару
юртларнинг ўртасига мос,
кўринарли қилиб рангин, хойнаҳой,
ки, шунгача эсдан чиқиб келган бир –
харитага тушмаган жой –
кангулнинг тарзини тушир¹².

Харитада бутун бир олам, дунё турли чизик ва рангларда мухтасар акс этади. Бироқ яна шундай бир макон борки, у харитада кўринмайди, фақат ҳис қилинади. Шоир талқинича, мазкур жой – кўнгилдир.

“Тасаввуф – инсоний ожизлик ва кучсизликларга тутилган бир кўзгудирким, унга назар ташлаб ахлоқни поклаш, кўнгилни илоҳий ҳиссиётлар

¹² Отамурод И. Харитага тушмаган жой. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 155.

билан камол топтириш чора-тадбирларини эгаллаш мумкин”¹³. Инсон ботинидаги англамаган тўлғамларни, сўнгсиз руҳий кечинмаларни тасаввуф билан боғлаб, ахлоқий, руҳий тарбия билан алоқадор фикрларни фалсафий асослаш анъана тусини олди. Шу жиҳатдан И.Отамуроднинг “Сопол синиқлари”, “Тағаззул”, “Рухдан сизган нур” каби лирик-тасаввуфий дostonлари таҳлилга тортилган. Хусусан, “Сопол синиқлари” дostonидаги кўза-туфроғ жуфтлиги тамсилида шоир умр моҳиятини тасаввуфona ифода этган:

Синиқ кўзани бағрига босди авайлаб,
синиқ канглу кушойиш топгандай бўлди...
Канглуниг армонига тўлдириб,
кўзининг чашмига тўлдириб,
қайғусин қайғусига тўлдириб,
кўмди ... синиқ кўзани ...
... туфроғини туфроғига қўшди ...¹⁴

Тупроқ образининг тасаввуф адабиётидан ўрин топиши Одам Атонинг лойдан, яъни тупроқдан яратилгани билан боғлиқ. Паҳлавон Маҳмуд бир рубоийсида ёзади:

Гуркираган олов – дилим йўлдоши,
Тўлқин урган дарё – кўзларим ёши,
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза,
Кўҳна дўстлар хоки: кўли ё боши¹⁵.

Ёхуд А.Яссавий талқинича:

Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро¹⁶.

Кўринадик, инсоннинг тупроқдан яралиб, заминда яшаб, Аҳмад Яссавий айтганидек, яна гилга қўшилиб кетиши Икром Отамурод яратган кўза образида ўз ифодасини топган. Ҳақиқатан, инсон танаси тупроққа қўшилиб кетар экан, вақт ўтиб ўша тупроқда майса унади, ўша тупроқдан кулол кўза ясайди. Демак, инсоннинг умри энди майса, гул, буюм шаклида яшашда давом этади. Бу – тасаввуф фалсафаси. Икром Отамурод талқинидаги сопол синиқлари ҳам шу маънода инсоннинг ибтидоси ва интиҳоси билан узвий боғлиқ.

Ш.Ҳасановнинг ёзишича: “Тасаввуф оҳангларига мурожаат комиллик ғоясини кун тартибига олиб чиқди. Халқ ва Ватан тақдирига куюнчаклик, миллий ва диний қадриятларга эҳтиром, ўзликни тинглаш ва англашга интилиш, Ҳақ ва ҳақиқатнинг абадийлигига ишонч комилликнинг муҳим мезонлари сифатида талқин этила бошланди”¹⁷. “Рухдан сизган нур” дostonининг:

... Тонг аввали.
Ёйиб чодирин куюк

¹³ Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 43.

¹⁴ Отамурод И. Муқаддар. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 2012. – Б. 156.

¹⁵ Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 16.

¹⁶ Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи, 1992. – Б. 33.

¹⁷ Ҳасанов Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Д.Д. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 42.

кетгиси келмас туннинг¹⁸
мисралари билан бошланиб:

... Тонг охири.

Очиб бағрини интиқ

келгиси келар куннинг...¹⁹

сатрлари билан интиҳо топиши юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Достонда замоннинг инсонга ва инсоннинг замонга бўлган муносабати орқали кишилардаги одамийлик, комиллик сари интилувчанлик фазилатлари улуғланади; айрим кишилар тийнатидаги лоқайдлик, ғараз боисидан эса замоннинг уларни челпиб ташлаши борасидаги мулоҳазалар ташбеҳлар билан зийнатланади. “Компослардан чиқиб кетган улуғлар”нинг “Дилида Шарқу Ғарб муштарак маконга айланган”и оҳорли поэтик манзараларда кўрсатилади. Бундай буюк зотлар “қалбига жо этиб замоннинг охин, порлатар нури моҳирни”. Дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги – инсоният бутунлиги, ҳақиқатан ҳам, доно ва оқил, пок ниятли одамлар фаолиятига боғлиқ. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Шундай азиз зотлардан бири бу:

Келаяпти замон занжирига бовсиз,

руҳин иншосини битиб Навоий²⁰.

Достонда Навоийнинг иймон олами, дунёқараши, тутуми, бир сўз билан айтганда, “Ул улуғ зот”нинг яхлит образи, сийратию суврати кўз олдимизда намоён бўлади.

Рухни руҳ айлаган ҳур,

Ўзи – руҳдан сизган нур –

Ул зот²¹.

Маълумки, XX аср ўзбек адабиётида ҳам жаҳон адабиётидаги каби жанрлараро синкретлашув жараёнлари кечди. Яъни етакчи жанрларнинг хусусиятлари ўзаро бир-бирига ўтиб, уйғунлик касб этди. Бу ҳақда Ф.Раджапова шундай ёзади: “Услублар муносабатидаги хусусиятлардан бири синкретизмдир. У ижодкор бадиий нияти, қисқа мазмуни, структураси ва баён тарзига кўра воқе бўлади”²². Бу, айтиш мумкинки, замонавий достонларда ёрқин кўринди. Айниқса, лиро-эпик достонлар структурасида роман, қисса каби яхлит сюжет, қаҳрамонлар тизими кўзга ташланади. Уларнинг эпик асарлардан фарқи “воқеликка лирик муносабат билдириш етакчи”лик қилиши билан белгиланади. Эпик тасвир асосида воқеабандлик юзага келади. XX аср ўзбек адабиётида яратилган достонларнинг катта қисмида шу хусусият кўзга ташланади. Хусусан, сўнгги йиллар ўзбек шеърлятида сюжет асосига қурилган достонларнинг алоҳида бадиий тизими вужудга келди. Бобнинг

¹⁸ Отамурод И. Рухдан сизган нур // Ёшлик, 2012. – №11-12. – Б. 20.

¹⁹ Отамурод И. Рухдан сизган нур // Ёшлик, 2012. – №11-12. – Б. 23.

²⁰ Отамурод И. Рухдан сизган нур // Ёшлик, 2012. – №11-12. – Б. 20.

²¹ Отамурод И. Рухдан сизган нур // Ёшлик, 2012. – №11-12. – Б. 21.

²² Раджапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Фил. фанл. бўйича фалс. док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 23.

“Сюжет асосига қурилган дostonларда ижодий услуб” фаслида шу нуқтаи назардан У.Кўчқорнинг “Қувғин”, “Широк”, “Чамангул”, “Турон Ботир” сингари дostonлари ўрганилган. Бинобарин, шоирнинг Чўлпон номидаги мукофотга муносиб топилган “Қувғин” дostonи бутун инсоният гувоҳи бўлган иккинчи жаҳон уруши даврида ўз юртидан, ўз тупроғидан қувилган жабрдийда инсонлар ҳаёти, уларнинг урушдан кейинги қисмати, фарзандларининг тақдири, она юртга қайтиш соғинчи билан урган бедор юраклар кечинмалари ва воқеликларидан сўзлайди. Асар қаҳрамонларининг аянчли тақдири, фожиавий қисмати, машаққатли ҳаётига сабаб, шубҳасиз, урушдир. Қувғинга учраган халқ тақдири, нолаю фиғонлари, орзу ва армонлари акс эттирилган бу дoston инсон тақдирини бадиий ифодалашини нуқтаи назаридан замонавий романларга яқинлашади. Дoston аввалида шоир: “Дунёда барча Ватанидан қувилган, қувилётган ва қувиладиган жабрдийдаларга бағишлайман”, – деб ёзади²³. Асар воқеаларига ибтидо вазифасини бажарган биринчи қисмдаёқ тушкунлик, ғам-қайғу кайфияти ҳукмрон экани сезилиб туради.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларига кўчириб келтирилган Кавказ халқининг аччиқ фиғони кўчган бу дostonда воқеага лирик муносабат қуюқлаша боради:

Қора денгиз ухлар бир томонида,
Бир ёнда донг қотиб ухлайди Хазар.
Тоғнинг ёнбағрида, дарё ёнида
Дарбанд деб аталмиш бир қишлоқ ухлар²⁴.

Машъум уруш йилларида турли миллатга мансуб халқлар “Ватан учун! Сталин учун!” дея жангга кирдилар ва жон олиб, жон бердилар. Шундай вазиятда катта идорада кичик, майда миллатларнинг ҳам тақдири ҳал қилиниб, турли ҳужжатларга имзо қўйилаётган эди. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудига қувланган қрим-татар халқлари ҳам “халқлар отаси”нинг бу “эътибори”дан четда қолмаган. Уруш ҳаммани қақшатиб турган бир пайтда майда миллатларни бундай камситиш Сталин хунрезлик сиёсатининг яна бир даҳшатли кўриниши эди. Дostonнинг уруш мавзусида ёзилган бошқа асарлардан фарқланиб турувчи хусусияти ҳам шунда кўзга ташланади. Агар С.Сайид “Улуғ Ватан уруши” очлиги ҳақида (“Тўполондарё билан хайрлашув”) ўртаниб сатрлар битган бўлса, У.Кўчқор жуда тийрақлик билан халқлар, миллатлар фожиасини кўра олди. Уруш қаҳрамонликлари ҳақида эмас, унинг фожиалари, хусусан, ёппасига халқларни хонавайрон қилган аччиқ қисмат – ватангадолик мавзусида, собиқ тузум давридаги кўзга ташланмайдиган, аслида, инсоният тақдирини ўзида ифода этувчи воқелик ҳақида ёзишга жазм этди. Бу асар ҳозирга қадар адабиётимизда шу мавзуда битилган ягона асар бўлиб турибди. Қолаверса, шоир мазкур дostonни ўтган асрнинг истиқлол шабадалари эсиб турган 90-йилларида яратди. Бу ҳурфикрлилик, эркин сўз айтиш тамойили билан боғлиқ, дейиш мумкин.

²³ Кўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 92.

²⁴ Кўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 93.

Мазкур фаслда мавзу қамровининг кенглиги жиҳатидан эпик асарларга яқинлик (У.Кўчқорнинг “Қувғин”, “Широк” дostonлари), эртак стилизациясидаги (У.Кўчқорнинг “Турон Ботир”, “Чамангул” дostonлари), лирик дostonларда сюжет белгиларининг намоён бўлиши (И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Доғ”, “Ўрин” дostonлари) таснифи орқали сюжет асосига қурилган дostonларга хос хусусиятлар очиб берилган. Айниқса, У.Кўчқорнинг “Турон Ботир” дostonида халқ дostonларига хос қуш орқали хат етказиш, хушдан кетиш, ғойибдан руҳий мадад келиши, тақдирни олдиндан башорат қилиш, асар қаҳрамони йўлида турли тилсимларнинг учраши, сеҳрли нарсаларнинг ёрдамга келиши мотивларидан ижодий фойдаланилганлиги бадий парчалар асосида чоғиштириб ўрганилган. Шоирнинг “Чамангул” дostonида “Уч оға-ини ботирлар” халқ эртаги стилизация қилинганлиги қиёсий аспектда текширилган.

Диссертациянинг **“Шоирнинг бадий тафаккур тарзи ва лирик қаҳрамон”** деб номланган иккинчи боби икки фаслдан таркиб топган. Биринчи фасл *“Дostonларда фожиавий руҳ ва рамзий талқин”* да Икром Отамурод ва Усмон Кўчқор дostonларидаги фожиавийлик кўринишлари таҳлил этилган.

Сўнги давр ўзбек дostonларида фожиавий руҳ тасвири қуюқлашганлиги кузатилади. Бу синкретлашув трагедия билан алоқадорликда юзага келган. Чунки фожиавийлик трагедиянинг муҳим хусусиятидир. Бу ҳолат дostonларда икки хил шаклда намоён бўлган: 1. Ижтимоий фожиавийлик. 2. Маънавий фожиавийлик.

Ижтимоий фожиавийлик жамият “оғриқ”ларидан юзага келган. Масалан, У.Кўчқорнинг “Қувғин” дostonида ватангадолик қисмати ижтимоий фожиавийлик даражасига кўтарилган. Маънавий фожиавийлик лирик қаҳрамоннинг қалб озорларида зуҳур топади. И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Узоқлашаётган оғриқ”, “Ичкари... Ташқари...” дostonларидаги лирик қаҳрамон ҳолатлари ифодасида бунини ёрқин кузатиш мумкин.

“Қувғин” дostonи сюжетидан маълумки, уруш йилларида қрим-татар халқи ўз юртидан Ўзбекистонга қувғин қилинган. Бу аччиқ қисмат туфайли улар кўп йиллар озор чекишган. Шу жараён билан боғлиқ лирик лавҳа эътиборли:

Дарёларнинг остида,	Адирларда мавж уриб
Думалаган тоши кўп.	Бош чайқаган лолалар –
Унда тошмас, аслида	Асли бевақт жон бериб,
Одамзотнинг боши кўп.	Гўрсиз қолган болалар ²⁵ .

Фаслда эркисизлик “Широк”, халқнинг хўрланиши “Турон Ботир”, юрт тақдирига бефарқлик, ака-укалар ўртасидаги ноаҳиллик “Чамангул” дostonлари мисолида ойдинлаштирилган.

Икром Отамурод дostonларида маънавий фожиавийлик лоқайдлик, нафсга берилиш, кўнгил деб аталмиш улуғ маҳзандан узоқлашиш, маънавий қашшоқлик кабиларда кўринади. Бу жиҳатларни шоирнинг бир неча дostonлари мисолида асослаш мумкин. Унинг “Ичкари... Ташқари...” дostonида маънавий фожиавийлик ўта кучли руҳий тўлғанишлар манзаралаштирилишида кузатилади:

²⁵ Кўчқор У. Оғир қарвон. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 102.

.... Гулини совуқ шопурган дарахт
Қулфини занг эркалатган уй...
Ҳузурини сандиқ кўрган тўн...
Бўхчада тахланиб оҳ урган рўмол...
Ҳашам кўрғонида димиққан сунбул...
... соғиниб-соғиниб...
... соғиниб-соғиниб...
... соғиниб-соғиниб...²⁶

Бепарволик, лоқайдлик, нафсга ошно бўлишлик маънавий фожиавийликнинг асоси, улар вужуддаги руҳни беомон тилкалайди, тизгинсиз азобга солади. Шу билан бирга, шоир талқинида ғийбат, иғво кабилар ҳам маънавий фожиавийлик кўринишларидир.

Ушбу фаслда ҳар икки шоир дostonларидаги рамзий талқин масалалари қиёсий тарзда таҳлил этилган. Бунда И.Отамурод дostonларидаги рамзийлик: а) дostonларга рамзий ном танлашда; б) рамзий образлар яратишда намоён бўлганлиги асосланган. Сопол синиқлари руҳнинг илдизи рамзи (“Сопол синиқлари”), йўл умр, ҳаёт, тақдир тимсоли (“Хувийят”), ёлғиз дарахт барча юксак фазилатларга эга инсонларнинг умумлашма образи (“Ёбондаги ёлғиз дарахт”), қалдирғоч бахт, эзгулик тимсоли (“Тағаззул”) эканлиги таҳлиллар орқали ёритиб берилган.

Бобнинг “*Лирик қаҳрамон табиати*” деб номланган фаслида И.Отамурод ва У.Қўчқор дostonларида лирик қаҳрамон шоир шахсиятида намоён бўлганлиги масаласи ёритилган.

Усмон Қўчқор дostonлари сюжет асосига қурилган бўлса-да, лирик чекинишларда шоирнинг воқеликка муносабати кўзга ташланиб туради. Шу ўринларда лирик қаҳрамон фаол ҳаракатланади. Шоирнинг лирик кечинмалар қатига ўз қарашларини сингдирганлиги “Турон Ботир”, “Широқ”, “Қувғин”, “Чамангул” дostonларидаги лирик чекинишлар таҳлили жараёнида очиб берилган.

Икром Отамурод дostonларида лирик қаҳрамон деярли асарнинг бошидан охиригача ҳаракат қилади. Чунки бу дostonлар У.Қўчқор дostonларидан фарқли равишда кечинма асосига қурилган. Шу боис лирик қаҳрамон турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, “Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonида ҳам лирик қаҳрамон асарнинг бутун мазмун-мундарижасини ифодаляётган ягона характердир.

“Ичкари...Ташқари...” дostonида ёмғирда кетаётган одам – лирик қаҳрамон. У ёмғирда кетаётиб, ўз руҳий оламини, маънавий дунёсини поклаб боради. Энди у, нафақат ўзини, балки бошқаларни – уйда қолганларни ҳам ўйлайди. “Уйда қолганлар” – ўз “мен”ини англамаган, тушуниб етмаган, кўнгил кўзи моддий ва маънавий нафс туфайли ожизликка юз тутган кимсалардир.

Шоирнинг “Тағаззул” дostonида лирик “мен” тағаззул биносига етишиш жараёнида ён атрофига назар ташлаб, турфа тоифаларга дуч келади. Дунёнинг тамкин – ўткинчилигини; “азоб тўла жом”лигини, қуёш чиқиши баробарида,

²⁶Отамурод И. Харитага тушмаган жой. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 117.

албатта, ботишини, тонгнинг ёруғи тунни сидиришини тушуниб етади. Талотўп, сур-суронларнинг бориб-бориб ниҳоя топишини фаҳмлайди. Лирик “мен” нинг бу каби ҳодисалардан ўқинчи зиёдалашади, қалби титроққа тушади.

Демак, сўнгги йиллар ўзбек дostonларида лирик қаҳрамон бир неча кўринишда юз кўрсатганлиги кузатилади. Аввало, шоир “мен”и, шу билан бирга, кўнгил, куш, қалдирғоч сингариларда кечинмалар манзаралари чизилади.

Диссертациянинг учинчи – **“Поэтик тил ва ижодкор индивидуаллиги”** боби икки фаслдан иборат. Биринчи фасл – *“Сўнгги давр ўзбек дostonларининг бадиий тил хусусиятлари”* да Икром Отамурод ва Усмон Қўчқорнинг сўнгги йилларда яратилган дostonлари бадиий тил нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Бунда шоирлар услубига хос анъанавийлик ва новаторлик хусусияти, ижодий индивидуаллиги очиб берилган. Зеро, У.Қўчқор дostonлари замонавий ўзбек дostonи анъаналари асосида яратилган, уларда лиро-эпик тасвир устуворлик қилади. Қолаверса, бу асарлар тилининг содда ва равонлиги, халқ кўшиқлари, дostonлари оҳанги ва вазнида битилганлиги билан ажралиб туради. Хусусан, “Қувғин” дostonида халқ қарғишлари шаклида ёзилган мисралар кўп:

Елкаларни ёради кўндок,
Халқ кетмоқда беюрт, беватан.
Ўз болангни кўргунча бундок,
Кўзинг оқиб тушсин, эй Ватан!²⁷

Шоир одамлар бошига ватансизлик қисматини солганларга қаратилган халқ нутқида мавжуд “Кўзинг оқиб тушсин” қарғишини ишлатган.

Қарғишлар, асосан, дунё, олам, осмон, ер, ватан, дарё кабиларга қаратилган бўлса-да, аммо уларнинг замирида ватангадолик фйғони, эрксизлик изтироби, айрилиқ алами, жудолик фарёди ётади:

Бундай кунни кўргунингча то –
Кўзинг оқиб тушсин, эй Ватан!
Тупроғинг ўт олсин, эй дунё,
Сувларинг қонларга қотилсин! ...²⁸

